

ТОШКЕНТ ОҚШОМШИ

№ 207 (5798)

9 СЕНТЯБРЬ 1985 й.

ДУШАНБА
Газета 1986 йил 1 июлда янги бошлаган. Баҳоқис 3 тийин.



Анатолий Ситин бош-лик комплекслашган бригаданинг номини 4-треста қарошли 38-қўриқчи бошқармасида ҳурмат билан тилга олишди. Бир неча йиллар, бу коллектив меҳнат беллашуварига пешқадамлар сафида келаяпти.

ИЛҲОМБАХШ МЕҲНАТИМИЗ—КОММУНИСТЛАР АНЖУМАНИГА

Графикни ортда қолдириб

БУГУН

бригада ишлаб чиқариш графикдан ярим ой илгарилла кетди. Улар Файзулла Хўжаев кўчасидаги қўриқчи объектда жадал суръатда

XXVII съездининг ҳам муносиб соғавлар билан кутиб олиш учун тер тўқоқда. Улар мамлакатимиз коммунистлари анжумани очилгунга қадар келгуси йилнинг биринчи квартал планини баъжаришга аҳд қилишган. Айни пайтда бу илгор бригада йилнинг октябр ойи ҳисобига ишламоқда.

ҒАРБИЙ СИБИРЬ КОМПЛЕКСНИ РИВОЖЛАНТИРИШ—УМУМХАЛҚ ИШИ

М. С. Горбачевнинг Тюмень ва Томск областлари партия-хўжалик вакили кенгашида сўзлаган нутқи

М. С. Горбачев партия Марказий Комитети номидан нефтьчилар ва газчиларни, геологлар ва қурувчиларни, транспортчилар ва энергетикларни, олимларни, ўзининг фидокорона иши, иродаси, ғайрат-шиқовати билан ўтмишда муқаббат билан кенгликларга ҳаёт бахш этиб, бу ерда мамлакатнинг асосий ёнилғи-энергетика базасини бунёд этган барча кишиларни қизғин ва самимий табриқлади.

Тюмень совет кишилари учун юз минглаб ишлар, мутахассислар меҳнат жасоратининг равиш бўлиб қолди, деди у. Унинг бағридан қандай олинаётган нефть ва газнинг миллион километр йўлдан Ватанимизнинг энг чека жойларига қанча олиниши, қанча илгор ишчилик ва муқаббат ишчиликнинг ишончли негизи бўлиб қолди.

Совет кишилари, партия сизларнинг ватанпарварлик ишларингиз билан фахрлангани, сибирлик ўрқоқлар!

Нефть ва газ қазиб чиқариш сановати — экономикаимизнинг базавий тармоқлари бўлиб, Ғарбий Сибирь комплекси аса ана шу тармоқларнинг юрагидир. Унинг иш мароми кўп жиҳатдан бутун халқ хўжалиги муваффақиятини белгилаб беради. Шу сабабли партиянинг илгор стратегиясида бу комплексни ривожлантиришга ниҳоятда муҳим роль ақратилган.

Марказий Комитет бу

корлик имкониятларининг йиқилган даражасидир. Бу Тюмень области меҳнатчиларининг бир ярим миллион кишидан иборат кўп иллатли отрядининг фидокорона ишлари натижасидир.

Ғарбий Сибирь комплекси сингари бундай нефть-газ гиганти бутун мамлакатнинг, барча республикаларнинг куч-ғайратлари туфайлигина бунёд этилиши мумкинлиги ҳам равшандир. Украина ва Беларуссия, Ўзбекистон, Болтиқ бўйи ва бошқа республикаларнинг, Москва ва Ленинград, Россия Федерациясидаги автоном республикалар, ўлкалар ва областларнинг меҳнатчилари уни шакллантиришга салмоқли хисса қўшишлар ва қўшмоқдалар.

Бу ишларнинг миқёсини ошириш лозим. Татаристон ва Бошқирдистон нефтьчилари, Тюмень областининг газ ва нефть конларига ишларни комплекс олиб боришга ўтиб, яхши ташаббус бошлаб бердилар. Яқинда Грузия, Озарбайжон, Молдавия, Арманистон ва Туркменистоннинг ўн иккинчи беш йилликда шу республикалар қурилиш ташкилотларининг Ғарбий Сибирда уй-жой, социал ва маданий-маиший объектлар, автомобиль йўллари қурилиши да илтироз этиш тўғрисидаги ташаббуси маъқулланди.

Ешларимиз партия давлатига лоббий деб жавоб бердилар: улар нефть, газ кўриқчи ўзлаштиришга жуда катта хисса қўшиб келдилар ва қўшмоқдалар. Ленин комсомоли йиллик маълумоти билан бу ерда 150 миңдан кўпроқ киши келди. Студентларнинг қурилиш отрядлари ҳозирқун бир ярим миллиард сўмлик иш бажариб қўйди. Бу регион ўзлаштиришда ишларнинг иштироки бундан буюн ҳам кучаяверади.

Хўшлас, ўрқоқлар, озмуна қилар қилинмади, юксак марралар эгалланди. Аммо вақт ўтмоқда, ҳаёт олдимизга янгидан-янги вазифаларни

(Давоми кичкинчи бетда).

М. С. ГОРБАЧЕВ ЦЕЛИНОГРАДГА КЕЛДИ

КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев 6 сентябрь кунин Тюмень ва Томск областлари партия-хўжалик вакили кенгашида сўзлаган нутқида унинг КПСС Марказий Комитети секретари М. С. Горбачев шундай таъкидлаётганини айтиш мумкин. Уларнинг кўрсаткичлари 130 процентдан кам эмас.

М. С. ГОРБАЧЕВНИНГ Целиноград диёридаги учрашувлари

Целиноград 7 сентябрь (ТАСС). Бугун КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев Целиноград областининг Шуртан районида борди, бу ерда янги қишлоқ хўжалик машиналари намуналарининг ишлатилиши давомида қўриқчи бригаданинг илгор ишчилари билан учрашди. Бугунги таъкидлашди. Бугунги таъкидлашди. Бугунги таъкидлашди.

ҲИНДИСТОН ҚУШИЛМАСЛИК ҲАРАКАТИНИ ҲАМ ИТТИФОҚНИНГ ИНСТИТУТИГА

Самимий, дўстона мактуб учун, Совет Иттифонининг халқаро несконликини юмшатишга ва ядро уруши хавфлини тўхтатишга қаратилган тинчликсевар ташкилотнинг ҳақиқатан ҳам сўбасот соҳасидаги ташаббусларини астойдил қўллаб-қувватлаганини учун Ҳиндистон қўшилмаслик ҳаракатининг ўрганиш институтини раҳбарлари ва сийдаидан миннатдорчилик билдиради.

тирмоқда. Ҳолбуки, АҚШнинг ташаббусимизга қўшилгани биз жорий этган таъкидлаш узайтириш имконини бериб, умуман ядро синовларини тўхтатиш проблемасини ҳал қилиш учун шарт-шароитларни анча яхшилаган бўлур эди.

СССР ядро нуқулони пайдо бўлганидан буюн уни тугатишга астойдил ҳаракат қилаётганини таъкидлаб ўтмоқчиман. Биз ядро уруши хавфини бартараф этиш, ер юзюда тинчликни сақлаб қолтириш бўлган ҳақиқатан ҳам бундан буюн ҳам изчиллик билан давом эттириваримиз.

Хиндистон қўшилмаслик ҳаракатининг ўрганиш институтини раҳбарлари ва сийдаидан миннатдорчилик билдиради.

Ойбекнинг 80 йиллигига БИЗНИНГ ОЙБЕК



Оғайнилар! Давримизни қалбга солганман. Чўлларадаги сароб изини англаб олганман. ОЙБЕК.

ЖУРНАЛИСТЛАР ТИНЧЛИК УЧУН КУРАШМОҚДАЛАР

Ўзбекистон матбуоти, телевидениеси ва радиоси ходимлари журналистларнинг Халқаро бирдамлик кунини кенг нишонладилар.

Редакция коллективларида бўлиб ўтган йилгиликларнинг, давра мақбалиларининг, учрашувларининг қатнашчилари партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитети кейинги Пленумлари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленуми қарорларини бажаришга журналистлар қўшаётган хисса тўғрисида, меҳнатчиларнинг коммунистлар бўлажак анжуманига тайёргарлигини ёритишда матбуотнинг роли ҳақида, ер юзюда тинчлик учун курашда уларнинг иштироки ҳақида гапирдилар.

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

Бугун Тошкентда:

- Урта Осиё темир йўл бошқармаси пойтахтимизда пассажирларга хизмат кўрсатишни янада яхшилаш мақсадида «Жануб» деб номланган иккинчи темир йўл вокзалини тайёр қилди. Уни бунёд этилишида 351, 370-қўриқчи монтаж поездлари, «Гавташкенгестрой» ва бошқа бир қатор трестларнинг коллективлари қатнашдилар. Бунёдкорлар бу ерда 4 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажариб бўлишди. Бир неча кундан кейин поездлар мунтазам қатнайдиغان бу вокзал «Тошкент» аэровокзали ва «Самарқанд» автостанцияси оралиғида жойлашган.
- Ҳамза номидаги Ленин орденли Ўзбек Давлат академик драма театрида ёзувчи Саид Аҳмадининг «Кувё» комедияси премьераси бўлиб ўтди. Унда асосий ролларни Ўзбекистон ССР халқ артистлари Ғани Аъзамова, Замира Хидойтова, Зайнаб Садриева, Икром Болтаева, Рихис Иброҳимова ва бошқа истеъдодли санъаткорлар ижро этмоқдалар.
- Тошкент шаҳар аҳолига манший хизмат кўрсатиш бошқармаси Чилонзор маҳалласининг Волгоград кўчасида манший хизмат кўрсатиш уйи аниқларини очди. Бу ерда аҳолига ўн беш хил хизмат тури

«УзТАГ» — «Тошкент оқшомши».



Бизнинг Ойбек



БУГУН РЕСПУБЛИКАМИЗ ЖАМОАТЧИЛИГИ АТОҚЛИ ЎЗБЕК СОВЕТ ЁЗУВЧИСИ, АКАДЕМИК ОЙБЕК ТУҒИЛГАН КУННИНГ 80 ЙИЛЛИГИНИ КЕНГ НИШОНЛАМОҚДА



Кел Навоий, халқ билан бирга
Гийм айтайлик шу Ватанга биз:
«Умринг, нуриг мунглаб асрга
Етсин, Ватан — мангу фахримиз!»

Теримчиларга

Келиндар далада юрар, оқ булут —
Қанорлар бошида, терлар қулолар.
Теримчи ўроқлар, эгининг тут!
Чаноқларда пахта тошиб тўкилар.

Қизлар чиқар тонгда далага шобиш,
Кўлкалар гўзалдир сахар ойдинда.
Сўзларда ҳазил ва аския тошиб,
Қўшиқлар янграйдил шўх-шўх оҳангда.

Қизлар Ватан гули, партия ва халқ
Севгисига содиқ, ажойиб қизлар.
Улуғ меҳнатларнинг шаҳига зап гар,
О, ҳаётимизда чўлпон юдуларлар.

Япроқлар олтин ранг, дарахлар машъал,
Ариқда югурар тоза, пок сувлар.
Олсда ҳайбатли тоғлар зур, дангал,
Кўк мовий туманда, эсар шамоллар.

Маҳоратли эрлар шимариб биллак,
Астойдил ишлангиз, тўйингиз зафар.
Пахта халқ ғурури, энг эзгу тилак,
Қолмасин чаноқда тола бир нафар.

Куз гўзал, қуёш мўл, қуёш бебаҳо,
Эй ёшлар, тиришинг, сизнинг галаба.
Оғтоб ёқимлидир, булутлар гоҳо
Томчилар қуяди, ўтмасин палла.

Кенг дала, ҳаво нур, сузани мезон.
Қўшиқлар авжда, ёшлар қийдиқлар.
Шоферлар ҳайдайди пунктларга қарвон,
Аравалар учадил, отлар пишиқлар.

Узоқ-узоқларга жўнайди кушлар,
Далада қаҳайди пахталар асил.
Дастурхонда тўла ширин мевалар
Саҳийдир, бойдир бизда куз фасл.

Куз фаслимиз шундай, терим тўй ўзи,
Далалар оқ мовий, хирмон — хазина!
Азамат колхозлар, галаба сўзи
Эзгудир қалбаларда, ёнар ҳамшиша.

Куз

Япроқлар олтин ранг, шуъладай ёнар,
Тушадил япроқлар ҳолис, паршион.
Булутлар хўрайган, бетинг шамоллар,
Тушадил қалтираб, япроқлар — хазон...

Тоғларга тушди қор, водийда қуёш!
Боғларда тобонлар кўмадилар ток...
Меҳнатнинг завқиди барча қарн, ёш,
Мўл ҳаддан ташқари олма, анор, нок.

Олтин куз, шафақдай гўзал куз, бой куз,
Шафтоли, анжирлар тўқин ва тўқин.
Қовуллар асалдир, тобоқ-тобоқ су!
Колхозлар ташйиди мевалар қун-тун.

Кўшимиз юрар қўрқам ва ёрқин,
Атласдир, бахмалдир унинг йўллари.
Сувлар оқар ҳорғин, шамоллар ҳорғин.
Ҳаётимиз оқар тинмай бахт сарн.

Мухтарамимиз Ойбек
ака кўп гапирмас эди-
лар. Бир ёки икки сўзла-
ри билан нима демоқчи
бўлганларини тушуниб
оларди. Кимнинг ёзган
асарига, айтган фикрига
«яхши» деб қўйсалар
ўша одамга дунё муяс-
сар бўлгандай бўларди.
Устога маъқул эттириш
барчамизнинг орузимиз
эди, шунинг учун, тилим
тойиб кетмасин, деб а-
трофлича ўрганишга, би-
лишга, даввога далил
келтириб таҳлил, тадқиқ
қилишга ҳаракат қили-
нарди.

Биласанми ёр-ёр.
Дастурмолам кир
бўлипти,
Ювасанми ёр-ёр.
Дастурмолам кир
бўлипти.
Эмгир ювсин, ёр-ёр
Сенга ошқиб
бўлганимни
Узи билсин ёр-ёр.
Қўшларингиз орасига,
Қўйинг мени ёр-ёр.
Ошиқликнинг
бозорида,
Соттин мени ёр-ёр.
Ошиқликнинг
бозорида,
Олмасалар ёр-ёр.
Кипригингиз ўқлар

АДИБ ТИНГЛАГАН ҚЎШИҚ Хотира

Сира эсимдан чиқмай-
ди, 1945 йилнинг киши
эди. Совет Армиясининг
қўли билади келиб, қан-
ча жойларини озод қилиб,
фашист газанделарининг
таъзирини бераётганин
учун руҳимиз кўтарил-
ган эди. Аспират Биби
Сатторова менга: «Бизни-
кига юринг, кўй сўйган-
мига» деди. Мен ҳов-
либ:

— Хосиятхонни ҳам
олайми! — дедим. Шу
вақтда Ойбек ака Пор-
соҳон домла билан га-
лашиб турган эдилар,
— Ойбек акани ҳам та-
киф қилсан йўқ демая-
дилар, негаки Маллин
домла қадрдон бўлди-
лар, — дедим.

Бешёққ томондаги
Профессорлар уйда
туришар эди. Меҳмон-
ларни мен бошлаб олиб
бордим. Маллин дом-
ла жуда хурсанд бўлди.
Яхши ўтирдик.

Ҳод ака мамнуллиги-
ни билдирганига бўлиб
«Музаёянсининг ил-
мий ишлари тўй, қўшиқ
бўлган учун ҳар вақт
хурсандликка бошлай-
дилар», деди. Хосият
Комиллова гага қўшиқ-
лар бўлиб: «Қўшиқ, ёр-
ёр, ларлар» деб қўйдил.
«Ёр-ёр» Алишер Навоий
асарларида ҳам бор де-
дим-да айтдим:
Кейин чамандан эсиб
келди сабо ёр-ёр.
Ким дамдан тушди ўт
жоним аро ёр-ёр.

Ушда тутун, ясаб
Шу дунёда бормикан,
Бағри бутун ёр-ёр,
Бағри бутун
Шу дунёда бор бўлса,
Бағри бутун ёр-ёр.
Бағри бутун
Қоғоздан қоронқо қийай,
Гулдан ўтин ёр-ёр,
Гулдан ўтин.

Оғтин мени ёр-ёр.
Сийрак учрайдиган
ажойиб бир кайфиятда
тахсин ва таажубу бил-
ганим «Бир қўшиқдан
бир дoston яратиб мум-
кин», дедилар. Фориғ-
боллик билан Ҳод ака
халқ озаки ижоди ҳа-
қида гапирар эди. Дас-
турхонга гўшт-қовурдоқ
келди. Биби дўстим, ҳа-
ёт йўлдоши Раҳматулла
Маллин домла жуда
хушхол эдилар. Азиз
дўстин, хурматли, қадр-
ли меҳмонларни ўз уй-
да кўриш, хизматида бў-
либ меҳмон қилишдай
меънавий лаззатга нима
тенглаша олади!

Орадан бир-икки йил
ўтгандан кейин Зариф-
хон нишонимизга ке-
либ, менга «Ойбек сиз-
дан янги қўшиқ, ёр-ёр-
лар сўрапти!» деди. Во-
дийдан ёзиб олинган қў-
шиқлардан бердим. «Ол-
тин водийдан шабада-
ри» китобларида чиқ-
ди.

Хотира ёзганда сен
кўрган, билган, бирга
ишлаганларини эслаб да-
хшетагга тусанми! Нима
ҳам дер эдик, анчик ҳа-
қиқатнинг жўн алирбо-
си!

Ҳиссийта берилмас-
лик учун Бибининг, устоз
Маллиннинг соғлиқлари-
ни сўрай деб, телефони-
га турдим...

Юқоридан мен
келаман;
Музаёяна АЛАВИЯ.

ДИЛ СЎЗЛАРИ

Ўзбек совет адабиёти бадий проза соҳа-
сида қарийб ҳеч қандай анъанага эга бўлмаган
ҳолда Ойбекдек йirik прозаник юзага кел-
тирди. Ўз фаолиятининг бошланғичида «Уч»
ҳақда «Бахтигул ва Соғинди» каби антиқа
дostonлар муаллифи сифатида танилган Ойбек
ҳозир академикдир. У сўнги йилларда рус
тилига таржима этилган ва совет прозасининг
ажойиб ҳодисасига айланган икки машҳур ро-
манни — «Қутлуғ қон» ва «Навоий»ни ярат-
ди.

Александр ФАДЕЕВ.

Унинг ижодий хиссаси буюк, жўшқин ил-
ҳоми ёш ёзувчиларга ўрнак. Жонажон адабиёт-
тинининг равангига бағишланган улуғсиз
меҳнати уни замондош ёзувчиларнинг олдини
сағига ўтказиб қўйди. Унинг асарлари қанча
узоқ умр кўрс, ҳаётга ошифта таланти ва
ажойиб маҳорати ҳам шунча яшнаб гурқира-
син, умрбоқай бўлсин.

Николай ТИХОНОВ.

Ойбекнинг қалами қудрати билан яратилган
образлар бутун ўлка бўйлаб кезиб, ўзларининг
ҳаётийликларини, олижаноб фаилатларини билан
хар бир халқнинг руҳига осон таъсир этади-
лар, уларга нимадан нибрат олиб қандай
иллатларга қарши курашиш лозимлигини
таълим берадилар, Ватанин севмакка ундай-
дилар, бир сўз билан айтганда, ҳозирги ва ке-
лажак авлод онгини коммунистик гоя руҳида
тарбиялайдилар.

Берди КЕРВОБОВ.

Ойбек адабиёт оламинга қадам қўйган пайт,
да социалистик реализм сарн йўл очаётган
кучли рус совет адабиёти вужудга келган эди.
Ойбек образ ва характерларини яратиб, ижти-
моий фан тасвирини кўмадилар этишни рус ва
жаҳон классикларидан, шу жумладан Баль-
закдан ўрганди. Ойбек 30-йилларнинг охирида
ўзининг ижтимоий аҳамияти ва реалистик инфо-
далилигига қўра беназир бўлган «Қутлуғ қон»
романини яратди. Бу борада Ойбек ўз адабиёт-
ти учун чинакам новатор бўлди.

Александр ДЕЙЧ.

Ойбек гоятда бардошли, қўнгли, заҳматқаш
ижодкордир.
Ойбекнинг серҳосил, ўткир ижодкорлигини
бизнинг адабиёт тарихида кимга ўхшатиш
мумкин?

Ойбекни ўзига, Ойбекка ўхшатиш мумкин.
Асарларини ўқиб улгурмолайсан, янги бир
асар билан «мана мана» деб рўпаранда та-
бассум қилиб туради.

Ғафур ҒУЛОМ.

Талант қанчалик катта, қанчалик қудратли
бўлмасин, ҳар нечук юзада бўлмайди,
конга ўхшаш ерини қатъида бўлади. Бу кон
— талантин қазиб олиш учун аввало катта
ақд, ундан кейин катта билим, матонат, қў-
ғайрат буларнинг устига дард бўлиши керак.
Катта талантин эгаси Ойбекда мана шу хислат-
ларнинг ҳаммаси мавжуд. Ойбек мана шу хис-
латлари билан халқимизнинг маънавий хази-
насига катта бойлик қўшди.

Абдулла ҚАҲҲОР.

ОЙБЕК.

Ватан

Улуғ жанлар фарзандидир бу Ватан,
Ҳар қаричи — қалбимиздан бир улус.
Бизга тутди меҳр олтин қосадан,
Бир гулига минг қалб истар қон тўкиш.

Ватан элтар бахт, қуёшни сахарга,
Бутун жаҳон кўрар тонгин, баҳорин.
Ҳар бир тоши арзир ишқига, лаларга,
Бизнинг Ватан каби нури юрт борини!

Бу днёрда асло гуллар сўлмайди,
Уфқимизда бахт юлдузи сўнайди.

Сўнги томчиқа

қадар

Москвадир бизнинг гурак, шон,
Удир бизнинг эрк, гурур, имон,
Унда бизнинг партия — сардор,
Унда Ленин мақбараси бор.
Юдулариз мизғимай порлар,
У — аўлатини енгган қаҳрамон!

Яна унга қилмоқда ҳужум
Қўли зулмат, заҳарли ақидар.
Бу — тарихда энг машҳур хабар!
Ортимизнинг эзгу қўсиди,
Москванинг бўсағасида

Қонда сузиб душман хураб шум.
Иўқ, биз учун афзалдир ўлим!

Ниятига ёв етмас асло,
Минг қат эрих қийсада ҳатто!

Совет халқи — қаҳрамон қўшин.

Қаҳрамон рус кекса, ўспирин,
Қардош халқлар сара ботири
Қўратадил кўчинг зарбини,
Бу — Ватанда янграган садо!

Майли, оқсин сўнги томчи қон...
Биз душманга ҳар вақт беомон.
Вулқон отар ҳар уй, истеҳком,
Ғазабимиз олов ва қўлом.
Ев янчилар, ундан қолмас ном.
Ватан кучи ортар он-баон,
Имонимиз — халққа қўмондон!

Хайкал олдида

Куйлаганда беш аср бурун
Халқин, ҳақин, ишқин бу инсон,
Юраги ҳам эркин, ёруғ кун
Дарди билан тепади ҳар он.

Улуғ Ватан қўсиди шоир
Бутун қаддин кўтарди балад:
Абадий тош либосдадир,
Қўлда китоб, қўзлари уйчан.

— Ассалом, Навоий! — дейди ёш авлод.
Оқнилайди халқ бахтиёр:
Шоир, арзир қилсанг ифтихор,
Сўзинг янграб, қўнғилларда ёд.

Сен юксалдинг улуғ замонда,
Руставели, Низомий, Пушкин,
Шевченковлар тирик Ватанда,
Қара, ҳаёт қандай шод, эркин...

Сўзларингиз севар рус, қозоқ,
Туркман, латиш, грузин, арман.
Барн совет ерида яноқ,
Бошлариди бир байроқ улган.

«МАНГУ КИТОБ» МУАЛЛИФИ

Шу кунларда пойтахтимиздаги қатор
илмий муассасаларда, олий ўқув юрталарида атоқли
Ўзбек адиби, СССР Давлат мукофоти лауреати, Ўз-
бекстон ССР Фанлар академиясининг академи-
ки Мусо Тошмухаммад ўғли Ойбек туғилган кун-
нинг 80 йиллигига бағишланган учрашулар, ил-
мий-назарий конференциялар ўтказилмоқда.
Уларда муҳтарам адибнинг улкан ижодий ме-
роси атрофлича таҳлил қилинмоқда. Ойбекнинг ўз-
бек адабиёти тарихига қўшган беқикёс хисса-
си, унинг романчилигининг ривожлантиришдаги
катта роли ҳақда кизиларли суҳбатлар уюшти-
рилмоқда. Шу муносабат билан танкили таъкид-
чи, Беруний номидаги Ўзбекстон ССР Давлат
мукофоти лауреати Озод ШАРАФИДДИНОВ му-
биримизга қўнғилларини сўзлаб берди:

билан бирга йнғлар экан-
сан...
Адабиётшунослик д а
ҳозир «вечная книга»
деган тушунча пайдо
бўлди. Бу тушунча ки-
тобхон учун умрбо-
даки дўст, маслаҳатгўй
бўлиб қолувчи энг ях-
ши, энг баркамол асри-
ни билдиради. Менимча,
«Қутлуғ қон»ни ўзбек
адабиётининг «мангу ки-
тоби» деб атасак сира
хато бўлмайди.

— Ойбек шундай улуғ
санъаткор эдики, у ҳар
бир ўзбекининг маънавий
улғайишига хисса қўш-
ганди. Мен биринчи
марта Ойбекке рўпара
келганимда бешинчи
синфда ўқирдим.

Бу урушдан аввал
1940 йили содир бўлган
эди. Шаҳантўвурдаги
китоб магазинлардан
бирга кирдим. Ранг-ба-
ранг китоблар ўзига
маъна қилиб қўйдил. Ай-
ниқам, уларнинг биттаси,
Узи ҳам тандирдан ян-
ги узилган, сондек бос-
маҳонадан янгигина чиқ-
қан экан — ундан буюк
ва елим хиди келиб ту-
рарди. Муқовасига эса
бир қўлини осмонга
янгиб, нимадониди дер-
газав чолнинг сура-
ти ишланган эди.
Китоб ёқиб қолди. Уни
харида қилмоқчи бўл-
дим. Лекин баҳосига
қарасам... 10 сўм эзиб
қўйилганди. У пайлар-
да 10 сўм катта пул эди.
Ундан ташқари мендаги

Кейин ТошДУнинг аде-
биёт факультетига ўқини-
шга кирдим, адабиётшу-
нос бўлиб адабиётшу-
нос бўлиб тўғрисида
озми-кўпми фикр юри-
та бошладим. Ойбекнинг
ажойиб лирикиси билан,
сермазун дostonлари,
теран қисса ва роман-
лари, мақолалари ва
тадқиқотлари билан та-
нишдим. Улардан бир
дунё завқ олиб қўя қол-
ганим йўқ — уларнинг
барн менинг қарашла-
римни шакллантиришда,
билимларимни чуқурлаш-
тиришда жуда катта
роль ўйнади.

Шундай қилиб, энди
улғайиб, кўзим очилиб
келатган чоғларда кешф
этганим Ойбек бутун
умрим давомида мен
учун тароватини қўқот-
майдиган, гўзалликка
бой, ажойиб бир дунё
бўлиб қолди.

Шунинг учун мен ҳа-
миша бу буюк инсон ва
улуғ санъаткор хотираси
олдида таъзимдеман...

БИЗНИНГ ФОТОАРХИВИМИЗДАН:



Ойбек уй музейидаги адибнинг ёзув столи. С. Маҳмамов фотоси.

Ойбекнинг содда ва меҳрибон табассуми,

самимий оқибат жилва
қилиб турган ишгоҳи
жуда кўп дўстлари
даврасига алоҳида
файз бағишлаган. Ушбу
суратда адиб кўп ил-
латли совет адабиётини
забардаст адблар-
и — Чингиз Айтма-
тов, Берди Кербобов,
Ғафур Ғулом ва бошқа
ижодкорлар даврасида
тасвирланган.

Суҳбат мавзуси —
адабиёт, демек — инсо-
нийлик. Худди мана
шу инсонийликни асар-
ларида ўзига хос маҳор-
рат ва меҳр билан
талқин этган ўзбек
халқининг атоқли
адиби Ойбек хотираси
асрлар оша эл қалби-
да эъзозлашаверади.



БИР АСАР ТАРИХИ

Атоқли адиб Ойбекнинг илмий
ва бадий ижодида Алишер
Навоий сиймоси алоҳида ўрин
тутади. У Алишер Навоий ҳақида
илмий мақолалар тортиб,
то йирки монографиягача, шеър,
поэма, дoston, қиссадан тортиб,
то йирки эфир эсп — романгача
яратди.

Ойбек 1934—1935 йилларда
Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижо-
ди, фалсафий дунёқараш ҳақи-
да илмий тадқиқот олиб борди.
Оқибатда унинг «Алишер Навоий»
(1936 йил) номли илмий асари
юзага келди. Алишер Навоий
нинг дунёқарашини, ижодий ва
шайрилик аҳамиятига эга
бўлган, бебаҳо адабий мероси
тўғрисида «Навоийнинг дунёқараш
масаласига доир» (1940 йил),
«Навоийнинг «Мажолисун — на-
воий» асари ҳақида» (1940 йил)
сарлаҳли мақолалари матбуот-
да эълон қилинган.

Бу илмий ишларни ёзиш жа-
раёнида Ойбек Алишер Навоий
ҳаётини, у яшаган тарихий дав-
рининг социал хусусиятларини, ўша
жамятининг херактерини, ахлоқи-
ни, кишиларнинг хулқ-ахлоқини
синчилаб ўрганди. Алишер На-
воий ва унинг эомондошлари
асарларини, шоир тўғрисидаги ил-
мий тадқиқотларни пухта текши-
ради. Кўп нодир материаллар тўп-

«НАВОЙЙ» РОМАНИ ҚАНДАЙ ЯРАТИЛДИ?

пайди. Ана шундай қизгин ижо-
дий изланишлардан кейин Ойбек
Алишер Навоийнинг бадий обра-
зини яратишга жазм этди.

Дастлаб Ойбекнинг Алишер
Навоий тўғрисидаги биринчи ба-
дий асари — «Навоий» (1937
йил) поэмаси эълон қилинди. Шо-
ир поэмасида Алишер Навоий ҳа-
ётининг сўнги — ҳар жихатдан
камолотга эришган, давлат ишла-
рдан воз кечиб, асосан ижод
билан машғул бўлган даврини
акс эттирган. Поэма Алишер На-
воий образини яратиб йўлидаги
дastлабки уриниш бўлиши билан
бирга, «Навоий» романининг май-
донида келишида муҳим роль ўй-
нади. Бу ҳақда севимли адаби-
сий Ойбекнинг ўзи шундай де-
ган эди: «Навоий шеърятини ва
Навоий образи ҳамиша кучли бир
куёш каби кўнглимни тортар эди,
Уз асарларимда шоир Навоий
образини яратишга зўр майл, ор-
зу, истагим бор эди. Лекин, та-
рихга кўз ташласам, Навоий ги-
гант, буюк бир сиймо ҳолида
қаршимда турар эди. Ешлигим-
дан бери Навоийнинг ўлмас, ада-
бий шеърларини севиб ўқир эдим,
унинг жозибали гапларини борган
сари кўнглимга сингиб борди,
шакл ва мазмунлари юрагимни
мест ва мафтун этди.

...Техминан 1936—1937 йилларда
кичик поэма — «Навоийни аз-
дим. Лекин бу машқ, Навоий обра-

зини яратишда чизилган фақат
бир эскиз эди. Кейин катта по-
лотгога ўтиб, «Навоий» романини
ёздим.

Бунинг учун, албатта, Навоий
нинг барча асарларини, Навоий аш-
дан даврининг тарихи, у даврининг
социал қийфаси, у давр жамияти-
ни херактери, урф-одати, хулқ-
ахлоқини билан танишишга тўғри
келди. Кўп тарихий фактлар, ма-
териалларни йнғидим, уларни таҳ-
лил этиб, мағзини қақшиш учун
чучур ҳис этишга, ўйлашга бош-
ладим. Бу ишга шу қадар фарқ
бўлган эдики, романининг иш
плани қоғозда йўқ эди, у менинг
кўнглимда, едимда эди, бутун
«борлигини банд этган эди. Юр-
сам-турсам ҳамиша Навоийни ўй-
лар эдим. Унинг маънодон, ақли
қўзлари, хушфезл, раҳмидил, оли-
жаноб қийфаси асп, пок, улуғ
қалбини ҳис этар эдим. Кўз ўн-
гимда кўрардим. Унинг теран,
нозик, фалсафий фикрларини тў-
ла тушунишга уринардим. Роман
персонажлари ҳақида, уларнинг
херактерлари, бир-биридан фар-
қи, бир-бирига муносабатини ра-
вшан, аққол бериб устида ҳаёл
юртиб, образларини тарошлар-
дим.

Ниҳоят, юракка йиққан, юракда
сақлаган бу материалларни ёза
бошладим. Шунинг учун асар яра-

тиш каби мушкул, оғир иш дунё-
да йўқдир, дейман.

«Алишер Навоий» шеърый дра-
маси ва «Алишер Навоий» сце-
нарийсига қараганда «Навоий»
романи тарихий ҳужжатлиги
билан ажрлиб туради. Ойбек
романда улуғ ўзбек шоири ва
мутафаккири Алишер Навоий об-
рази ва у яшаган XV аср феода-
лизм даврини тўғри, холис ва
ишонарли тарзда акс эттирди.
«Навоий» романи совет-бадий
теранлиги билан, совет адабиёт-
да яратилган машҳур асарлар
қаторидан ўрин олди, ўзбек со-
вет адабиётини умумиттироқ ва
жаҳон миқёсига олиб чиққан
классик асарлардан бири бўлиб
қолди. Роман СССР Давлат муко-
фотига сазовор бўлди.

Ойбек «Навоий» романидан кей-
ин ҳам шоир асарларини тад-
қиқ қилиш, унинг образини ба-
дий ижодида яратишдек масъу-
лиятли ва олижаноб ишларга
нуқта қўйгани йўқ, аксинча изчил
давом этилди. Алишер Навоий
нинг 525 йиллик юбилейи нишон-
лаётган кунларда унинг «Навоий
гулшани» номли мақолалар тўп-
лами ва Александр Дейч билан
ҳамкорликда яратган «Алишер
Навоий» (танқидий-биографик
очерк) китоби ўзбек ва рус тил-
ларида нашр қилинган. Бу асар

ларда буюк шоир ижодиёти, фал-
сафий қарашлари чучур таҳлил
қилинган, у яшаган

